



**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 апрелдаги
“Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари
самарали ва натижалли ижро этилиши, шунингдек ижро интизоми
мустаҳкамланиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат
маслаҳатчиларининг, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг комплекслари,
давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда барча даражалардаги
ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида”ги
ПҚ-2881-сонли қарори ҳақида**

Давлат қурилишининг тизимли вазифаларини амалга ошириш, чуқур иқтисодий ва ижтимоий ислохотларни таъминлаш, республика ҳудудларини комплекс ривожлантириш, шунингдек фуқароларнинг турли тоифалари эҳтиёжларини тўла даражада қондириш, аҳоли ҳаёти даражаси ва сифатини ошириш доимий равишда кенг кўламли ижро интизомини мустаҳкамлаш зарурлигини таъкидлаш.

Ўтказилган танқидий таҳлил шуни кўрсатмоқдаки, туман (шаҳар)лар ҳокимликларида, вазирликлар, давлат кўмиталари, хўжалик бирлашмаларида ижро интизоми талаб даражасида таъминламаяпти, зарур тарзда амалий мувофиқлаштириш ишлари амалга оширилмаяпти. Раҳбар ва масъул ходимларга нисбатан шахсий талабчанлик пасайиб бормоқда. Аксарият ҳолларда масъулиятсиз раҳбарлар ва мутахассислардан шахсан масъулияти ва талабчанлик талаб қилинмаяпти.

Натижада, айрим вазирлар, давлат кўмиталарининг раислари ва хўжалик бирлашмаларининг раҳбарлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқларини, шунингдек Ҳукумат қарорларини бажаришнинг белгиланган муддатлари назорат қилинмасдан бузилмоқда. Улар кўйилган мақсадлар ва вазифаларга ўз вақтида, аниқ ва тўлиқ ҳажмда эришилишини таъминламаяптилар.

Вазирликлар, идоралар ва ҳокимликларнинг айрим раҳбарлари тайёрланган таклифлар олдиндан пухта ишлаб чиқилишини таъминламасдан уларни тақдим этиш ва бошқа органлар билан узоқ ёзишмалар олиб бориш билан чекланиб қолмоқдалар, бу сансалорлик ва қозғоқозликни келтириб

чиқармоқда. Иқтисодий, молия ва банк органлари аппаратларида бюрократизм ҳолатларига барҳам берилмаган, ҳулосалар чўзилиб тайёрланиши оқибатида устувор вазифаларни амалий ва самарали хал этиш барбод қилинмоқда.

Ушбу жиддий камчиликларни бартараф этиш учун Вазирлар Кенгашининг раҳбар ходимлари амалий чора-тадбирлар кўрмаяпти.

Вазирлик ва идораларда, шунингдек, туман (шаҳар) ҳокимликларида айниқса туман ва шаҳар бўғинида ижро интизоми тизимини жиддий равишда мустаҳкамлаш талаб этилади. Бутун ижро ҳокимияти тизимини, ва айниқса, туман бўғини фаолиятини тубдан қайта ташкил этиш, ижро интизомининг паст ҳолатларини ва мисолларини охиригача бартараф этиш зарур.

Бундан ташқари, ижро интизомини мустаҳкамлаш, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари ва Ҳукумат қарорлари лойиҳаларини ҳар томонлама иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказишни ташкил этиш, шунингдек уларнинг ўз вақтида ва сўзсиз амалга оширилишини таъминлаш муаммоларини талабчанлик билан ижобий ҳал қилиш керак.

Кўрсатиб ўтилган камчиликлар ва муаммоли масалаларни зудлик билан тизимли равишда бартараф этиш, бошқарув органлари айрим раҳбарларининг, шаҳар ва туманлар ҳокимларининг шахсий масъулиятини ошириш, қабул қилинган қонулар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, ёзма ва оғзаки топшириқлари, шунингдек Ҳукумат қарорлари сўзсиз ва ўз вақтида ижро этилишига нисбатан юзаки муносабатда бўлишга чек қўйиш, мониторинг олиб боришнинг амалий тизимини жорий этиш, мамолақатни изчил ривожлантиришнинг, унинг иқтисодиётини мустаҳкамлашнинг, аҳолининг моддий фаровонлигини ошириш ва жамиятда барқарорликни таъминлаш, жорий ва истикболдаги кўп қиррали вазифаларни ўз вақтида ва самарали амалга оширишни таъминлаш зарур.

Юқорида кўрсатиб ўтилган ва бошқа камчиликларни кечиктирмасдан ва тезкор бартараф этиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари ижросини ташкил этиш ва мониторинг олиб боришнинг амалий тизимини яратиш, масъулиятсизликнинг, ўзининг тўғридан-тўғри функционал вазифаларини бажаришга юзаки муносабатда бўлишнинг ҳар қандай ҳолатларига йўл қўймаслик ва олдинга қўйилган мақсадлар ва вазифаларга эришиш сўзсиз таъминланиши учун мансабдор шахслар барча тоифаларининг шахсий жавобгарлигини белгилаш ва чораларини кучайтириш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари самарали ва натижалли ижро этилиши, шунингдек ижро интизоми мустаҳкамланиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиларининг, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг комплекслари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида”ги ПҚ-2881-сонли қарори ижро учун раҳбарликка олинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ушбу қарори билан:

а) Мансабдор шахсларнинг ва улар раҳбарлик қилаётган вазирликлар, давлат кўмиталари, хўжалик бирлашмалари аппаратлари ходимлари ва барча даражалардаги ҳокимлар шахсий масъулиятсизлигининг ҳар қандай ҳолатлари мавжуд бўлиши, улар томонидан, ва энг аввало, қабул қилинган қонушлоқларни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ҳамда топшириқларини ҳамда Ҳукумат қарорларини амалга ошириш бўйича ижро интизоми сусайтирилишига тоқат қилинмайдиган ва йўл қўйиб бўлмайдиган ҳолат деб ҳисобланиши белгилаб қўйилганлиги;

б) 2017 йил 26 мартда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раёсати томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари ўз вақтида ва сифатсиз бажарилганлиги учун:

Ташки иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири – Э.М.Ғаниевга, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг раҳбарлари – А.К.Шаҳманов, Б.А.Атахановга, Туризмни ривожлантириш давлат кўмитасининг раиси А.К.Шарановга, "Ўзфармасаноат" компанияси раиси – М.М.Дусмуратовга ва "Ўзбексперго" АЖ раиси – Ф.И.Саломовга, Навоий вилояти ҳокими – К.Б.Турсуновга, Наманган вилояти ҳокими – Х.Х.Бозаровга ҳамда Вазирлар Маҳкамаси департаментлари раҳбарлари Б.К.Юсупалиев, Д.Х.Набиев, И.Р.Маҳкамовга интизомий жазо берилганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитасининг раиси Б.Х.Абдусаматовни ҳайфсан шаклида интизомий жавобгарликка тортиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига таклиф юборилганлиги;

Вазирлар Маҳкамаси Ижро этувчи аппаратининг Назорат бўлими мудирини Ф.Х.Ғайбуллаевни эгаллаб турган лавозимидан озод этиш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги маълумот учун қабул қилинганлиги;

в) Кўмита ва унинг таркибий бўлиналари фаолиятида самарали натижаларга эришилмаганлиги, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 14 январдаги мажлисида берилган топшириқларнинг ижроси юзасидан амалий комплекс чора-тадбирлар кўрилмаганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони лойиҳасини пухта ишлаб чиқишдаги шахсий интизомсизлиги учун Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитаси раиси Д.А.Хидоятловнинг бундай бўён лавозимида қолиши мақсадга мувофиқ эмас деб ҳисобланганлиги;

г) йўл қўйилган шахсий масъулиятсизлиги ҳамда ҳар томонлама иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш таъминланмаганлиги, шунингдек марказий аппаратларнинг таркибий бўлиналари раҳбарларига нисбатан талабчанлик қилинмаганлиги учун:

"Давархитектқурилиш" кўмитаси тизимини тубдан қайта ташкил этиш ва республика вилоятларида янги лойиҳа институтлари ташкил этиш бўйича

таклифлар тайёрлашнинг муддатлари бир неча марта ва кўпол равишда бузилганлиги, шунингдек уларнинг ниҳоятда паст даражада тайёрланганлиги учун – "Давархитектқурилиш" кўмитаси раиси Б.И.Закировга ва унинг биринчи ўринбосари А.Р.Тохтаевга;

2017-2021 йиллар даврида республика олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш дастурини ишлаб чиқишнинг белгиланган муддатлари кўпол равишда бузилганлиги ва пухта ишлаб чиқилмаганлиги учун – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири Р.С.Қосимовга ҳайфсан эълон қилинганлиги;

д) Тошкент шаҳри ҳокими Р.Ж.Усмоновга Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва республика Ҳукуматининг айрим топшириқлари ўз вақтида бажарилмаганлиги ва сифати даражаси пастлиги, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Регламенти талаблари бузилишига йўл қўйиб бўлмаглиги, Ҳукумат қарорлари лойиҳаларини экспертизадан ўтказмасдан ва тегишли вазирликлар ва идоралар, энг аввало, ваколатли органлар билан келишмасдан қиритишнинг бир қатор ҳолатлари қатъий кўрсатиб ўтилганлиги;

е) Бош вазир А.Н.Ариповга, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари А.Ж.Раматов, Бош вазир ўринбосарлари Р.С.Азимов, Ғ.И.Ибрагимов, З.Т.Мирзасев, Т.К.Нарбаева ва У.У.Розукуловларга 10 кун муддатда ижро интизоми пастлигининг кўрсатиб ўтилган камчиликларини бартараф этиш ва бундан буён уларга йўл қўймасликнинг амалий чора-тадбирлари 2017 йилнинг I чораги якунлари бўйича вазирликлар, давлат кўмиталари ва хўжалик бирлашмаларининг коллегиял органларида, Вазирлар Маҳкамаси комплекслари ва республика Ҳукуматининг мажлисларида муҳокама қилиниши ва тасдиқланишини таъминлаш, бунда қуйидаги камчиликларни бартараф этишга алоҳида эътибор қаратиш топширилганлиги;

А.Ж.Раматовга – Комплекс таркибига кирувчи вазирликлар ва идоралар томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўз вақтида ва пухта тайёрлашда тизимли бузилишлар мавжудлигига, уларнинг раҳбарларига нисбатан талабчанлик йўқлигига қаратиш. Худудларни комплекс ривожлантириш департаменти мудирини лавозимига номзод танлаш ва уни тайинлашни жадаллаштириш;

Р.С.Азимовга – ўз вақтида бажарилмаган топшириқларнинг сони ўсаётганлиги кузатилаётганлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти номига қиритилаётган ҳужжатлар лойиҳаларининг сифати пастлигича қолаётганлиги. Худудларда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, маҳаллий бюджетларнинг даромад қисмини кенгайтириш ва солиқ маъмурчилиги самарадорлигини оширишга, ушбу вазифаларни амалга оширишда вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимларининг иқтисодиёт ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича биринчи ўринбосарларининг ишлари ўта етарли эмаслигига эътибор қаратиш. Вакант бўлиб турган Йиғма ахборот-таҳлил департаменти мудирини лавозимига номзод танлаш чўзилиб кетганлиги кўрсатиб ўтилганлиги;

Ғ.И.Ибрагимовга – йирик, энг аввало, нефт-газ тармогидаги инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича ҳужжатлар лойиҳаларини ҳар томонлама экспертизадан ўтказиш, шунингдек асбоб-ускуналар, материаллар ва хомашёни импорт қилиш билан боғлиқ лойиҳаларни оптималлаштириш зарурлиги;

У.У.Розукуловга – Вазирлар Маҳкамасининг ҳар бир комплекси бўйича экспортнинг ҳолати батафсил таҳлил қилинишига, шунингдек республиканинг 66 иختисослаштирилган қишлоқ туманлари бўйича кўрилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор бериш. Иқтисодиёт тармоқлари ва республика ҳудудларининг экспорт салоҳиятини ривожлантириш масалалари ахборот-таҳлил департаменти кадрларини шакллантиришдаги сустрешликка йўл қўйилаётганлиги;

З.Т.Мирзаевга – агросаноат комплекси тармоқлари ва соҳаларида ислохотларни чуқурлаштиришга доир Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатларининг ва Ҳукумат қарорларининг бевосита республика ҳудудларида ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда бажарилиши юзасидан амалий назоратни таъминлаш зарурлиги. Томорка хўжалиқларини ривожлантириш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда уларнинг улушини кўпайтириш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирларнинг етарли эмаслигига эътибор қаратиш зарурлиги;

Т.К.Нарбаевага – аёллар, ёшлар ўртасида, оилалар ва маҳаллаларда ишларни фаоллаштириш соҳасида талабчанлик етишмаётганлиги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириқларида ва протоколларида белгиланган чора-тадбирларни амалда рўёбга чиқариш ва янада аниқ натижаларни таъминлаш зарурлиги кўрсатиб ўтилганлиги;

Шундай тартиб ўрнатилганлиги, унга мувофиқ Бош вазир ўринбосарлари иштирокида ўтказилган мажлисларда ҳамда иқтисодиёт тармоқларини ва ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг йирик ва муҳим йўналишлари, шунингдек ҳудудларни комплекс ривожлантириш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан уларга берилган ёзма топшириқлар бўйича кўрсатиб ўтилган раҳбарлар тегишли ҳужжатлар пухта тайёрланишини ва улар Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари хизматларида ҳимоя қилинишини шахсан таъминлайдилар.

ж) Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари ўз вақтида ва натижали бажарилиши, шунингдек ваколатли органларга киритиладиган ҳужжатлар ва таклифлар лойиҳаларини, ҳисоб-китобларнинг асосланганлигини, кафолатланган молиялаштириш манбалари ва эришиладиган прогноз натижаларнинг аниқлигини назарда тутган ҳолда, пухта ишлаб чиқиш таъминланиши учун вазирликлар, давлат кўмиталари, хўжалик бирлашмалари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари шахсан жавоб бериши, белгилаб қўйилганлиги;

Бош вазир ўринбосари Р.С.Азимовнинг, Иқтисодиёт вазири Г.К.Саидовнинг, Молия вазири Б.А.Хўжаевнинг, Адлия вазири

М.М.Икрамовнинг эътибори тегишли вазирликлар ва идоралар томонидан киритилаётган қонушлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, шунингдек Ҳукумат қарорлари лойиҳалари ҳар томонлама иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиши зарурлигига қаратилганлиги. Хулосаларни тайёрлаш ва ҳужжатлар лойиҳаларини келишиш муддатлари асоссиз равишда чўзиб юборилиши ҳолатлари катъий бартараф этиш топширилганлиги;

з) Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириқларини ва ҳужжатларини, шунингдек Ҳукумат қарорларини бажариш бўйича ижро интизоми ҳолатини тизимли ва танқидий таҳлил қилишнинг қуйидаги тартиби белгиланганлиги:

ҳар куни – давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликларининг назорат бўлинмалари амалий чора-тадбирлар кўриш учун раҳбарларга ахборот берилишини таъминлайдилар;

ҳар ҳафтада, дунанба-сешанбада – ижро интизомининг ҳолати, ва энг аввало, Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириқлари ва ҳужжатлари, шунингдек Ҳукумат қарорлари бажарилиши барча бошқарув органлари ва ҳокимликларининг, Вазирлар Маҳкамасининг департаментлари ва Комплексларининг биринчи раҳбарлари томонидан пухта таҳлил қилиниши таъминланади. Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисида танқидий муҳокама ва амалий чора-тадбирлар кўриш таъминланади;

ҳар ҳафтада, чоршанбада – умумлаштирилган таҳлил Вазирлар Маҳкамаси томонидан Давлат маслаҳатчиларининг тегишли хизматлари билан қўшимча равишда пухта ишлаш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш бўйича Давлат маслаҳатчиси хизматида (Т.А.Худайбергеновга) тақдим этилади;

ҳар ойда, ойнинг охириг жумасида – айбдор мансабдор шахсларнинг шахсий жавобгарлиги чоралари бўйича аниқ таклифлар билан бирга пухта таҳлил тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот берилади.

и) Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси (И.Б.Абдуллаев)га зарур профилактика ишлари ўтказилиши юзасидан таъсирчан назорат ўрнатилиши ҳамда айбдор мансабдор шахсларнинг амалдаги қонунчиликка мувофиқ жавобгарликка тортилишини таъминлаш топширилганлиги;

й) Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш.Х.Шерматов)га Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси (И.Б.Абдуллаев) ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш бўйича Давлат маслаҳатчиси хизмати (Т.А.Худайбергенов) билан биргаликда икки ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари ва топшириқлари

ижросини самарали назорат қилинишини таъминлайдиган Ягона идоралараро электрон тизимни ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар комплексини киритиш топширилганлиги;

к) Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирга Вазирлар Маҳкамаси аппаратидаги, давлат ва хўжалик бошқаруви органларидаги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашидаги, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликларидаги айбдор мансабдор шахсларга ва ходимларга жазо чоралари, шу жумладан иш ҳақи ва мукофотларнинг бир қисmini ушлаб қолиш тарзида жазо чораларини белгилаш ҳукуқи берилганлиги;

бир ҳафта муддатда ушбу топшириқни амалга ошириш Тартибини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш топширилганлиги;

л) Ҳисоб палатаси (Қ.В.Акмалов)га Ўзбекистон Республикаси Президентининг жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш бўйича Давлат маслаҳатчиси хизмати (Т.А.Худайберганов) билан биргаликда ижро интизомининг ҳолати, ва энг аввало, Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириқлари ва ҳужжатлари давлат ва хўжалик бошқаруви органларида, шунингдек республика ҳокимликларида бажарилишини танқидий ўрганишни тизимли асосда таъминлаш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича тезкор чора-тадбирлар кўриш ва Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот бериш топширилганлиги;

м) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиларига тегишли Хизматларда ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича комплекс амалий чора-тадбирлар амалга оширилишини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириқлари ва ҳужжатлари ўз вақтида, аниқ ва тўлиқ ҳажмда бажарилиши учун ходимларнинг шахсий жавобгарлиги оширилишини таъминлаш топширилганлиги;

н) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиларига тўғридан-тўғри берилган топшириқлари бўйича тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни (қонулар, фармонлар, қарорлар ва фармойишларни) ва лойиҳа таклифларини тайёрлаш бевосита тегишли Хизматлар томонидан таъминланиши ва улар томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот берилиши белгилаб қўйилганлиги;

о) Ўзбекистон Республикаси Президенти Ташкилий-кадрлар ишлари бўйича Давлат маслаҳатчиси У.С.Исмаиловга Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари билан биргаликда бир ой муддатда:

вазирликлар, давлат кўмиталари ва давлат бошқаруви бошқа органлари коллегиял органлари фаолиятини танқидий таҳлил қилиш, шунингдек улар фаолиятининг самарадорлигини оширишга доир чора-тадбирлар комплексини тақдим этиш;

Вазир, унинг ҳар бир ўринбосари, марказий аппарат таркибий бўлинмалари раҳбарларининг функционал вазифалари тўғрисидаги намунавий

низоми ишлаб чиқиш ва тақдим этиш топширилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосарлари, вазирликлар, давлат кўмиталари, хўжалик бирлашмалари аппаратлари ходимлари ва туман (шаҳар) ҳокимлари шахсий масъулиятсизлигининг ҳар қандай ҳолатлари мавжуд бўлиши, улар томонидан, ва энг аввало, қабул қилинган қонуларни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ҳамда топшириқларини ҳамда Ҳукумат қарорларини амалга ошириш бўйича ижро интизومي сусайтирилишига тоқат қилинмайдиган ва йўл қўйиб бўлмайдиган ҳолат деб ҳисобланиши белгилаб қўйилсин.

4. Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосарлари (М.Содиқов, С.Нагметов, С.Хожаметов, М.Жуманов, М.Алеуов, З.Ибрагимова), Ишлар Бошқармаси (М.Джуманиязов)га

уч кун муддатда ижро интизومي наслигининг кўрсатиб ўтилган камчиликларини бартараф этиш ва бундан буён уларга йўл қўймасликнинг амалий чора-тадбирлари 2017 йилнинг I чораги якунлари бўйича вазирликлар, давлат кўмиталари ва хўжалик бирлашмаларининг коллегиял органларида, Вазирлар Кенгаши комплекслари ва республика Ҳукуматининг мажлисларида муҳокама қилиниши ва тасдиқланишини таъминлаш, бунда қуйидаги камчиликларни бартараф этишга алоҳида эътибор қаратиш топширилсин:

комплекс таркибига кирувчи вазирликлар ва идоралар томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўз вақтида ва пухта тайёрлашда тизимли бузилишлар мавжудлигига, уларнинг раҳбарларига нисбатан талабчанлик йўқлигига қаратилсин.

ўз вақтида бажарилмаган топшириқларнинг сони ўсаётганлиги қузатилаётганлиги, Вазирлар Кенгашининг Раисига киритилаётган ҳужжатлар лойиҳаларининг сифати наслигича қолаётганлиги. Туман (шаҳар)ларда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, маҳаллий бюджетларнинг даромад қисmini кенгайтириш ва солиқ маъмурчилиги самарадорлигини оширишга, ушбу вазифаларни амалга оширишда шаҳар ва туманлар ҳокимларининг иқтисодиёт ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича биринчи ўринбосарларининг ишлари ўта етарли эмаслигига эътибор қаратилсин.

Йирик, энг аввало, нефт-газ тармоғидаги инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича ҳужжатлар лойиҳаларини ҳар томонлама ўрганиб чиққан ҳолда тайёрлаш, шунингдек импорт қилиш билан боғлиқ лойиҳаларни оптималлаштириш зарурлиги;

Вазирлар Кенгашининг ҳар бир комплекси бўйича экспортнинг ҳолати батафсил таҳлил қилинишига, шунингдек қишлоқ туманлари бўйича кўрилатган чора-тадбирларнинг самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратиш. Иқтисодиёт тармоқлари ва республиканинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш чораларини кўриш;

агросаноат комплекси тармоклари ва соҳаларида ислохотларни чуқурлаштиришга доир Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатларининг ва Ҳукумат қарорларининг бевосита шаҳар ва туманларда ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда бажарилиши юзасидан амалий назоратни таъминлаш зарурлиги. Томорқа хўжалиklarини ривожлантириш ва озиқ-овқат ҳавфсизлигини таъминлашда уларнинг улушини кўпайтириш юзасидан кўридаётган чора-тадбирларнинг етарли эмаслигига эътибор қаратиш зарурлиги;

аёллар, ёшлар ўртасида, онлалар ва маҳаллаларда ишларни фаоллаштириш соҳасида талабчанлик етишмаётганлиги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириқларида ва протоколларида белгиланган чора-тадбирларни амалда рўёбга чиқариш ва янада аниқ натижаларни таъминлаш зарурлиги кўрсатиб ўтилсин.

Шундай тартиб ўринатилсинки, унга мувофиқ Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосарлари иштирокида ўтказилган мажлисларда ҳамда иқтисодиёт тармоқларини ва ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг йирик ва муҳим йўналишлари, шунингдек ҳудудларни комплекс ривожлантириш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинган ҳуқуқий-норматив ҳужжатларининг ижроси сифатли таъминланиши юзасидан тегишли вазирлик, идора ва ҳокимлик раҳбарлари шахсан масъул ҳисобланади.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари ўз вақтида ва натижали бажарилиши, шунингдек ваколатли органларга киритиладиган ҳужжатлар ва таклифлар лойиҳаларини, ҳисоб-китобларнинг асосланганлигини, кафолатланган молиялаштириш манбалари ва эришиладиган прогноз натижаларининг аниқлигини назарда тутган ҳолда, пухта ишлаб чиқиш таъминланиши учун вазирликлар, давлат кўмиталари, хўжалик бирлашмалари раҳбарлари, туман (шаҳар) ҳокимлари шахсан жавоб бериши, белгилаб қўйилсин.

6. Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазири Ж.Садиқов, Молия вазири Б.Утамбетов, Иқтисодиёт вазири С.Данияров:

Қорақалпоғистон Республикаси Ҳукумати томонидан қабул қилинаётган қарорлар ва фармойишлар лойиҳаларини ҳар томонлама иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказилишини таъминласин.

Хулосаларни тайёрлаш ва ҳужжатлар лойиҳаларини келишиш муддатлари асоссиз равишда чўзиб юборилиши ҳолатлари қатъий бартараф этиш топширилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириқларини ва ҳужжатларини, шунингдек Ҳукумат қарорларини бажариш бўйича ижро интизоми ҳолатини тизимли ва танқидий таҳлил қилишнинг қуйидаги тартиби белгилансин:

- Вазирлар Кенгашининг Ишлар Бошқармаси, Ахборот таҳлил бошқармаси ва Ташкилий-назорат гуруҳи биргаликда:

ҳар ҳафтада душанба кунига – ижро интизомининг ҳолати, ва энг аввало, Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириқлари ва ҳужжатлари, шунингдек Ҳукумат қарорлари бажарилиши барча бошқарув органлари ва ҳокимликларнинг, Вазирлар Кенгашининг котибият, гуруҳ ва бўлимлари ва Комплексларининг биринчи раҳбарлари томонидан амалда ижроси таъминланганлиги тўғрисида Вазирлар Кенгашининг Раисига маълумот киритсин.

- Умумий бўлим ҳар ҳафтада душанба-сешанбада – умумлантирилган таҳлил асосида Вазирлар Кенгашига Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси ва Халқ қабулхонаси, Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари юзасидан амалга оширилган ишлар бўйича тўлиқ маълумот киритади. Ишлаб чиқилган таҳлил асосида жисмоний ва юридик шахслардан келаётган мурожаатларининг сифатли ижросини таъминлаш тўғрисида таклиф киритиб боради.

- Ишлар Бошқармаси ва Ташкилий-назорат гуруҳи томонидан ҳар ойда, ойнинг охири жумасида – хато ва камчиликларга йўл қўйган айбдор мансабдор шахсларнинг шахсий жавобгарлиги чоралари бўйича аниқ таклифлар билан бирга пухта таҳлил тўғрисида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раисига ахборот берилади.

8. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бошқармаси (Б.Минажев)га Вазирлар Кенгаши ва туман (шаҳар)лар ҳокимликлари билан биргаликда бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари ва топшириқлари ижросини самарали назорат қилинишини таъминлайдиган Ягона идоралараро электрон тизимни ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Кенгашининг Раисига киритсин.

9. Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосарлари – Комплекс раҳбарлари (М.Содиқов, С.Нағметов, С.Хожаметов, М.Жуманов, М.Алеуов, З.Ибрагимова)га:

ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича комплекс амалий чора-тадбирлар амалга оширилишини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириқлари ва ҳужжатлари ўз вақтида, аниқ ва тўлиқ ҳажмда бажарилиши учун ходимларнинг шахсий жавобгарлиги оширилишини таъминлаш топширилсин;

вазирликлар, давлат кўмиталари ва давлат бошқаруви бошқа органлари коллегиял органлари фаолиятини танқидий таҳлил қилиш, шунингдек улар фаолиятининг самарадорлигини оширишга доир чора-тадбирлар комплексини тақдим этсин;

туман (шаҳар) ҳокимлари, вазирлар, кўмита раислари, уларнинг ҳар бир ўринбосари, марказий аппарат таркибий бўлинмалари раҳбарларининг

функционал вазифалари тўғрисидаги намунавий йўриқларнинг ишлаб чиқиши ва тақдим этилиши топширилсин.

10. Мазкур қарор билан белгиланган топшириқларнинг ижроси таъминланишини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Қорақалпоғистон Республикаси
Вазирлар Кенгашининг Раиси



Қ. Сариев

[Faint, illegible text, likely bleed-through from the reverse side of the page]